Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

№ 33 (540) 2007 йил 31 июль сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

MEZON:

Биз мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, юртимизда эркин ва обод демократик жамият қуриш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашдек эзгу вазифани ўз олдимизга қўяр эканмиз, ана шу юксак мақсадларга эришиш йўлида юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, аввало, ҳаётга кириб келаётган ёш ва навқирон авлодга нисбатан замоннинг талаби тобора ортиб бориши табиийдир.

Ислом КАРИМОВ

Маълумки, 2007 йил 27 февралда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан «Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниб, 2007 йил 30 июнда Сенат томонидан маъқулланди. 2007 йил 24 июль куни матбуотда эълон қилинди.

Qonunning mohiyati

Иқтисодий ислоҳотлар

уларнинг муҳим ҳуқуқий асослари

Мазкур қонунга киритилган ўзгартишларнинг асосий мазмун-моҳияти энг аввало, корпоратив облигацияларни чиқариш фақат очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари томонидан қуйидаги талаблар асосида чиқарилиши мумкинлигини назарда тутади:

биринчидан, аудиторлик ташкилотининг хулосаси билан тасдиқланган ўз капиталининг облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги миқдори доирасида;

иккинчидан, кейинги уч йил мобайнида рентабеллик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва ликвидликнинг аудиторлик ташкилоти хулосалари билан тасдиқланган ижобий кўрсаткичларига эга бўлса, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил рейтинг баҳосини олган бўлса;

ва ниҳоят учинчидан, инвесторларга тегишли маблағларнинг эмитентлар томонидан тўланиши бўйича тўлов агентлари вазифаларини бажарувчи тижорат банклари иштирокида чиқариши мумкин.

Бундан ташқари, ушбу Қонун билан **«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 74-моддаси учинчи қисми Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 135-моддасининг иккинчи қисми ва 138-моддасининг биринчи қисмлари нормалари мувофиқлаштирилди. Яъни, бизга маълумки, **«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорликларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 74-моддасининг шу даврга қадар амалда бўлган қоидасига кўра, акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақли бўлиб, акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма ишончнома асосида иш кўриши белгиланган эди. **«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорликларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги Қонунга киритилган ўзгартишга кўра, эндиликда жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, яъни Фуқаролик кодексининг 138-моддасига кўра, юридик шахс номидан бериладиган ушбу ишончнома раҳбар томонидан имзоланиб, унга ушбу юридик шахснинг мухри босилган ҳолда берилиши назарда тутилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 16-моддасида **юридик шахс бўлган акциядорнинг ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасининг устав фондини (капиталини) кўпайтириш учун йўналтириш чоғида қўшимча акциялар қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзида олинган даромадлари (фойдаси) солиқ солиш объекти бўлмаслиги, 58-моддада, яъни жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари фуқароларнинг иш ҳақи ва солиқ солинадиган бошқа даромадларининг давлат корхоналари мол-мулкини сотиб олиш, хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини сотиб олишга йўналтирилган суммалари билан бир қаторда, уларнинг ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав фондини (капиталини) кўпайтириш учун йўналтириш чоғида қўшимча акциялар киймати ёки акциялар-нинг номинал кийматини кўпайтириш тарзида олинган даромадларини қамраб олиши белгиланди.**

Ушбу Қонуннинг ижтимоий ҳаётимизга татбиқ этилиши **биринчидан,** республикамизда корхоналарни тўлиқ давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда янги акциядорлик жамиятлари тузиш ҳисобига қимматли қоғозлар бирламчи бозорини янада ривожлантиришга, **иккинчидан,** қимматли қоғозлар иккиламчи бозори микёсларини жадал ривожлантириш ва кенгайтиришга, **учинчидан,** фонд бозорининг замонавий инфратузилмасини шакллантириш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, **тўртинчидан,** акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришга, унинг тамойиллари бўлган – ошкоралик, адолатлилик, масъулият ва ҳисобдорликка жамиятнинг барча раҳбар органлари риоя қилинишига, **бешинчидан,** молиявий ҳисобот ва молиявий назоратни тўғри ташкил этиш ҳамда унинг таъсирчанлигини оширишга, **олтинчидан,** фуқароларнинг муайян корхонага ўз маблағларини сарфлашлари борасида уларга қимматли қоғозлар чиқараётган корхоналарнинг фаолияти тўғрисида тўғри ва тўлиқ маълумотларга эга бўлиши учун қулай имконият яратилишига, бир сўз билан айтганда, акциядорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни янада яхшилашга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида, аҳолининг, акциядорларнинг қимматли қоғозлардан даромад олишларига, яъни улардан манфаатдор бўлишларига олиб келади.

Нуриддин НОРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходими

Озод миллат ёшлари

ЭРТАГА ИМТИҲОН



Ҳа, эртага минглаб ёшлар талаба бўлиш мақсадида билимлар майдонига баҳсга тушадилар.

Давлат тест марказидан олинган маълумотларга кўра, бу йил олий таълимга умумий қабул миқдори 63769 та этиб белгиланган. Жумладан, бакалавриатга ажратилган 51604 та ўринга 19945 нафар абитуриент давлат гранти, 31659 нафари эса шартнома асосида ўқишга қабул қилинади.

2007 йилда бир ўринга 6 нафар абитуриент тўғри келиши бу синовнинг қанчалик катта билим, меҳнат талаб қилишини кўрсатади.

Бугуннинг ёшлари — бахтли ёшлардир. Чунки улар энг азиз қўшиқ — Юрт қўшиғи, энг улкан чўққи — Ватан чўққиси, чин саодат — Миллат саодати эканини яхши билишади.

Улар ўзгалар мафкураси билан эмас, ўз мафкураси билан, ўзгалар йўриғи билан эмас, ўз йўриғи билан яшашга, жонини фақат, ўз ватани ҳақида куйдиришга тиккан чинакам озодлик ёшларидир.

— Қишлоғимиздаги дорихоналар фаолияти мени ...ончалик қониқтирмайди, — дейди Тошкент Давлат фармацевтика институти абитуриенти Муҳаббат Ҳамдамова. — Шифокор бўлиш орзуим бор эди. Яқинда институтимизнинг фармация факультетида клиник фармация йўналиши очилганини эшитиб, ҳужжатларимни ўша ерга топширдим. Эртага тест синовларидан муваффақиятли ўтсам, шифокор ва фармацевт мутахассисликларини ўзаро боғлайдиган клиник фармацевт бўламан. Келажакда ўз ишимни ривожлантириб, шифохонада ишлаш билан бирга қишлоғимиз марказида катта дорихона очмоқчиман...

Ниятнинг самимийлигидан қувонасиз.

Минг-минглаб ёшларимиз ислоҳотни, тараққиётни, аввало, ўзидан, маҳалласидан, қишлоғидан бошлашаяпти.

Биз шундай покиза мақсадлар билан йўлга чиққан, келажакда муайян касбни эгаллаб, илм ва маърифат довонини забт этишга чоғланган абитуриентларга улкан омадлар тилаймиз. Ҳаммаси кўнгилдагидек, орзудагидек кечсин!

Алимурод ТОЖИЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Adliya yordam berdi

Даъво ва ижро...

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республикаси мувофиклаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида"ги 57-сонли қарори ҳамда 2003 йил 27 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори билан Адлия вазирлигига қонун ҳужжатларининг амалда тўғри ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузган ва манфаатларига зарар етказган мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўлланилишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Шунингдек, мазкур қонун ҳужжатларига асосан ҳуқуқий ҳимоянинг энг самарали воситаларидан бири тадбиркорнинг манфаатини кўзлаб судларга даъво аризалари киритиш ваколати берилганлигидадир.

Шу муносабат билан 2007 йилнинг биринчи ярим йиллигида адлия органларининг ташаббуси билан судларга 29,9 миллиард сўмлик 8149 та даъво аризалари киритилган бўлиб, шундан, 17,9 миллиард сўмлик 5711 та даъво аризалари судлар томонидан кўриб чиқилиб, қаноатлантирилган. Қолган даъво аризалар судлар томонидан кўрилмоқда.

Хусусан, Чироқчи туманида фаолият кўрсатиб келаётган "Хушвақт ота" фермер хўжалигининг пул маблағлари АТ "Пахта банк" Чироқчи бўлими томонидан асоссиз равишда бошқа хўжаликнинг ҳисобига ўтказилганлиги ҳолати юзасидан Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси томонидан киритилган даъво аризасига асосан суднинг ҳал қилув қарори билан 3.348.000 сўм асосий қарз ва 334 минг сўм жарима суммаси фермер хўжалигига қайтарилиши таъминланди.

Шуниндек, Самарқанд туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонасидан шартномага асосан бажарилган иш ҳақи тўлаш асоссиз кечиктирилганлиги сабабли, Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан даъво

аризасига асосан суднинг ҳал қилув қарори билан 1 697 918 сўм "Ободончилик инвестстрой" маъсулияти чекланган жамияти фойдасига ундириб бериш таъминланди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ҳар бир тадбиркорнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиш ҳолатларини зудлик билан аниқлаш ва қонуний чоралар кўриш мақсадида Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идоралари жорий этилган ишонч телефонлари (008 рақам) мунтазам равишда ишлаб турибди.

Сарвар МУҲАММАДИЕВ,
Адлия вазирлиги ходими

«Инсон ва қонун»да чоп этилгач...

Ажабтовур ҳолатлар

(2007 йил 5 июль)

Бўка туман прокуратураси томонидан «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетасида чоп этилган Ф.Қорақулованинг «Ажабтовур ҳолатлар» сарлавҳали мақоласи юзасидан фуқаро М.Холхўжаеванинг аризаси билан биргаликда текширув ўтказилди.

СОХТА МАЪЛУМОТ ФОШ ЭТИЛДИ

Аниқланишича, 2006 йил 26 июнь куни фуқаро С.Холматова Бўка тумани «Мустақил Ўзбекистон» ширкат хўжалигини тугатиш бўйича тендер танловининг 30-лойиҳавий контур бўйича 43,3 гектар ер майдони учун талабгор сифатида танлов комиссияси раисига ариза билан мурожаат қилиб, МТЗ-80 ва Т28х4 русумли тракторларнинг техник созлиги юзасидан Бўка туман Давлат техника назорати инспектори томонидан имзоланиб, муҳрланган техник паспортларини тақдим этган.

2007 йил 4 январь куни бўлиб ўтган танловда комиссия раиси ва аъзолари томонидан С.Холматова томонидан тақдим этилган МТЗ-80 русумли трактор учун 9 балл, Т28х4 русумли трактор учун 8 балл, жами 15 балл берилган.

Бироқ, С.Холматова томонидан танловга тақдим этилган МТЗ-80 русумли тракторнинг техник паспортида 16.12.2006 йил куни техник кўрикдан ўтганлиги, техник созлиги ҳақида муҳр ва имзо ҳамда тракторнинг завод (кузов) рақами №276173 ёзилганлиги, тракторнинг асл кузов рақами эса № 030432 эканлиги, Т28х4 русумли тракторнинг икки ой муддатга вақтинча берилган техник паспортида 20.12.2006 йил техник кўрикдан ўтганлиги, техник созлиги ҳақида муҳр ва имзо ҳамда завод (кузов) рақами №015081 ёзилганлиги, тракторда эса кузов рақами №221156 эканлиги, яъни тракторларнинг кузов рақамлари техник паспортидаги рақамларга тўғри келмаслиги аниқланди.

Яъни Бўка туман Давлат техника инспекторлари Б.Тўрабеков томонидан С.Холматова номидаги тракторларнинг техник паспортларига кузов рақамлари трактордаги рақамларга тўғри келмайдиган, сохта маълумотларни киритиб, «техник соз» муҳрлари қўйиб берилган.

*Натижада **«Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов қолибини аниқлаш тартиби тўғрисида»**ги Низомнинг 20-банди талаблари танлов комиссияси мансабдор шахслари томонидан қўпол равишда бузилиб,ушбу контурда қатнашган талабгор А.Шомуродовнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига жиддий зиён етказилган.*

Б.Тўрабеков содир этган жиноятини яшириш мақсадида тендер танловлари ўтказилгандан сўнг МТЗ-80 русумли трактор асл техник паспортидаги завод (кузов) рақамини №276173 ўчириб, №030432 рақамини киритиб қўйган.

Ўтказилган текшириш якунларига кўра, туман Давлат техника инспектори Б.Тўрабековга нисбатан Жиноят кодексининг 209-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, ушбу ҳолат юзасидан туман ҳокимининг 2007 йил 9 январдаги 19-сонли қарорининг 1-иловасидаги 30-сонли лойиҳавий контурдаги жами 50,7 гектар ерни талабгор С.Холматовага бериш ҳақидаги қисмини бекор қилиш ҳақида протест келтирилди.

Д. ИСРОИЛОВ,
Бўка туман прокурори

«Менинг бошқа хотиним йўқ...»

(2007 йил 26 июнь)

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси топшириғига асосан Тошкент вилояти прокуратураси томонидан «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетасининг 2007 йил 26 июнь сонида чоп этилган «Менинг бошқа хотиним йўқ» мақоласида келтирилган ҳолатларни ўрганиш юзасидан қабул қилинган суд ажримининг қонунийлиги текширилди.

СУДЬЯ ОГОҲЛАНТИРИЛДИ

Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро судининг (судья Р.Мирвосилова раислигида) 2007 йил 25 майдаги ажрими билан аризачи М.Соиповнинг манфаатдор юридик шахс Бўка туман ҳокимлиги молия бўлимига нисбатан суриштирув, дастлабки тергов ва прокуратура органларининг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги аризаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 149-150-моддалари талабларига риоя қилинмаган ҳолда берилганлиги, яъни етказилган моддий ва маънавий зарарни исботловчи далиллар ва уларнинг қиймати тақдим этилмаганлиги ҳамда ариза даъво тартибида берилиши лозимлиги сабабли Фуқаролик процессуал кодексининг 154-моддаси тартибида ариза ҳаракатсиз қолдирилиб, аризачига бу камчиликларни бартараф этиш ҳақида жорий йилнинг 10 июнь кунига қадар ўз важларини тасдиқловчи ҳужжатларни судга тақдим этиш сўралгани ҳолда, аризани ҳужжатлар билан бирга процессуал қонунчилик талаблари асосида кўриб чиқилиши ҳақида маълум қилинган.

Бундан ташқари, Уй-жой кодексининг 32-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2001 йил 14 сентябрь «Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори ҳам техник хато туфайли келтирилган.

Аризанинг ҳал этилишида йўл қўйилган бу камчиликлари учун судья Р.Мирвосилова фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди томонидан огоҳлантирилган.

Шу муносабат билан, ариза вилоят суди томонидан фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судига юборилиб, М.Соиповга 2007 йилнинг 24 июль кунига қадар ўз важларини тасдиқловчи ҳужжатларни судга тақдим этиш сўралгани ҳолда, аризани ҳужжатлар билан бирга процессуал қонунчилик талаблари асосида кўриб чиқилиши ҳақида маълум қилинган.

Б.ХЎЖАЕВ,
Тошкент вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари

Навоий шаҳрининг умумий кўриниши

Навоий вилоятида тили, дини, келажаги йўлида бутун куч-ғайратини

Маҳалла ва анъана

«Ўзбекистонда маҳалла бўлиб, жамоа бўлиб яшашнинг, — деб таъкидлайди Юртбошимиз Ислом Каримов, — неча йиллик тарихи бор. Биз бу анъаналарни янги мазмун билан бойитмоқдамиз. Бугунги даврда маҳалла жойлардаги ўзини-ўзи бошқариш тизимининг таянчи сифатида фаолият кўрсата бошлади. Бу жамиятимиз бугунги ҳаётининг энг самарали, айни пайтда миллий ва халқчил кўринишидир».

Дарҳақиқат, шундай. Мустақиллик туфайли мамлакатимизда жамиятни бошқаришнинг анъанавий — жамоа, маҳаллалар орқали амалга ошириш йўли юзага келди. У ўз халқчиллиги, адолатлилиги ва ўзига хос самараси билан ажралиб туриши табиий. Истиқлолнинг дастлабки йилларида қабул қилинган **«Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»**ги Қонун бу мактабга асос бўлди.

Қонуннинг янги давр руҳи билан уйғунлашган янги таҳрирдаги лойиҳаси фуқаролар органларининг мақсад ва моҳиятини шаклан ва мазмунан кенгайтирди. У Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мос равишда фуқаролар манфаатлари, ривожланишнинг тарихий хусусиятлари, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлар, халқнинг урф-одат ва анъаналаридан келиб чиқиб, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда мустақил фаолият, деб эътироф этилди.

Дарҳақиқат, маҳалла, ундаги ҳаёт, жамоа руҳи, фаолияти, қадриятлари, кишиларнинг ўзаро ҳурмат-эътибори, тўю томошалари бетакрордир. Шу сабаб маҳаллалар мутлақо янги мавқе ва ҳуқуқий мақомига эга бўлди.

Кўп миллатли вилоятимизда бугунги кунда ўз-ўзини бошқариш органларининг ўзига хос институти яратилган десак, муболаға бўлмайди. Фаолият кўрсатаётган 336 та фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораларининг 40 таси қишлоқ фуқаролар йиғини, 187 таси қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги маҳалла фуқаролар йиғини, 5 та шаҳарча маҳалла фуқаролар йиғинлари, унинг таркибида 6 та маҳалла фуқаролар йиғини, 16 та овул фуқаролар йиғини, 82 та шаҳар маҳалла фуқаролар йиғини сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Маълумки, 1994 йилдан бошлаб мамлакатимизда кам таъминланган ва кўп болали оилаларга ёрдам кўрсатиш тизимини тубдан ислоҳ қилишга киришилди. Бу йўналишда Юртбошимизнинг қатор Фармон ва қарорлари қабул қилиниб, улар оилани қўллаб-қувватлаш тамойили устуворлигини таъминламоқда. Бугунги кунда бу тажриба янги босқичга кўтарилди. Яъни, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш янада кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармонида **«Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган ёшларга, шу жумладан, никоҳдан ўтиш ва тўй маросимларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш»** лозимлиги алоҳида белгилаб қўйилган.

Фармоннинг мазкур бандининг амалдаги ижросини Кармана туманидаги «Деҳқон» маҳалласида истиқомат қилувчи кўп болали оила фарзанди Илёс Очилов ва Урганчи қишлоғида яшовчи Дилафрўз Сувоноваларнинг никоҳ тўйларини ўтказишдан бошладик. Бундай ғамхўрликдан ўн бир болани тарбиялаб вояга етказган, боқувчисини йўқотган, бугунги кунда биринчи гуруҳ ногирони бўлиб қолган Венера Очиловнинг боши осмонга етди.

Шунингдек, Нурота туманидаги «Будик» маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ҳамда Хатирчи туманидаги С. Раҳимов номли маҳалла фуқаролар йиғини ва ҳомийлар ёрдамида ота-онасиз ва кам таъминланган оила фарзандларининг никоҳ тўйлари ўтказилиб, ёш оилаларга зарур уй жиҳозлари совға қилинди.

Маҳаллада олиб борилаётган ҳар бир хайрли иш, ўтказилаётган ҳар бир тадбир эзгуликка хизмат қилади. Зеро, маҳалла — ноёб шарқона ҳодиса, одилона жамият таянчидир. Барча ўлмас анъаналар, урф-одатларимиз ана шу меҳрли остонада қадр топар экан, маҳаллаларда яхши ва янги анъаналар давом этаверади.

Дўстмурод ХОЛИҚУЛОВ,
Навоий вилоят «Маҳалла» жамғармаси раиси

Эзгу мақсад йўлида

Ватанимизда оламга кўз-кўз қилса арзийдиган бунёдкорлик ишларини амалга ошираётганлар сафида Қизилқум барханлари бағрида бунёд этилган, йирик саноат марказларидан бири ҳисобланган Навоий вилоятининг ҳам ўз ўрни бор, албатта.

Вилоятда фаолият юритаётган йигирмадан зиёд йирик саноат корхонаси томонидан 2007 йилнинг 6 ойида 1155,1 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилганлиги, вилоятни 2007 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш комплекс чора-тадбирлар дастурида ноанъанавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилганлиги ҳам амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янги босқичга кўтарилганлигини кўрсатиб турибди.

Шу мақсадда барпо этилган "Бахт-текстиль" қўшма корхонаси йилига ўн беш минг тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга. У экспортбоп ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Янги иш бошлаётган "Қизилқум мануфактураси" қўшма корхонасида эса йилига 5 минг тонна пахта толасидан ип-газлама тўқилади. Вилоятда етиштирилаётган пахта толасининг 50 фоизи ушбу корхоналарда қайта ишланади. Шунингдек, хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган "Навоий-Силк" ва "Малабар-Силк"(Бирлашган Араб Амирлиги), "Камила-Шарқ" (Венгрия), "Таэлполимер синтез" (Эрон), "Қизилқум саховати" (Швеция) қўшма корхоналари вилоят саноатидаги янги соҳалар ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Мазкур корхоналар минглаб ёшларни иш билан таъминлаши билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, Навоий шаҳрида Навоий кон-металлургия комбинатининг гравитация технологиясига эга бўлган олтин ажратиб олувчи "Тигр" мажмуаси, полипропилин қоплар ва целлофан пакетлар ишлаб чиқарувчи "Пекин-Кармана" қўшма корхонаси, минерал сув ишлаб чиқарувчи "Нестор", Қизилтепа туманида "Ванғози Агро-экспорт", Хатирчи туманида "Зарланд Индустрия" масъулияти чекланган жамиятлари янгидан ташкил этилиб, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш даражаси кўпайди.

Қисқа қилиб айтганда, вилоятимизда фаолият кўрсатаётган Навоий кон-металлургия комбинати, Навоий машинасозлик заводи, "Қизилқумцемент" очиқ акциядорлик жамияти, "Навоийазот" очиқ ҳиссадорлик жамияти, Навоий иссиқлик электр станцияси, "Электрокимёзаводи" қўшма корхонаси акциядорлик жамияти, "Ғозғонмармар" акциядорлик жамиятлари қаторига янги-янги саноат корхоналарининг қўшилаётганлиги вилоятимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар бизнинг ўзига хос иқлим шароитига эга вилоятимизда ҳам ўз самарасини бермоқда. Вилоятда 1992 йилда 39,8 минг тонна буғдой етиштирилган бўлса, 2007 йилнинг ҳозирги кунига қадар етиштирилган ғалла ҳосили 173,7 минг тоннани ташкил этганлиги фикримизнинг далили бўла олади.

Ўтган йиллар мобайнида вилоятда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ҳудудий маҳсулот 105,8 фоизни, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш — 112,0 фоизни, халқ истеъмоли моллари – 120,4 фоизни, пулли хизмат кўрсатиш – 122,0 фоизни, пудрат қурилиши ишлари – 132,2 фоизни ташкил этди.

Вилоятда ўртача ойлик иш ҳақи 73,4 фоизга, аҳолининг реал даромадлари ўртача 40,1 фоизга кўпайди, 26300 дан ортиқ иш ўринлари, шу жумладан, касаначиликни йирик саноат корхоналари билан кооперациялаш ҳисобига – 3172 дан ортиқ иш ўринлари ташкил этилди.

Қишлоқ жойларига саноатни олиб кириш, қишлоқ инфратузилмасини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Қишлоқ аҳолисига қулайликлар яратиш мақсадида 15 та қишлоқда 20,7 километр қувурлар ётқизилиши учун 227,7 миллион сўм маблағ ажратилди. 1591 километр табиий газ қувурлари ўтказилди, 257 километр узунликдаги автомобиль йўллари қурилиб, одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилмоқда.

Буларнинг барчаси вилоятда эзгу мақсад сари интилаётган, янги орзу-умидлар билан яшаётган 100 га яқин миллат ва элатларнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Навоий вилоятида ҳам халқ таълими тизими, хусусан, янги умумтаълим мактаблари қуриш, мавжудларини замонавий тарзда таъмирлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга катта аҳамият берилаяпти. Айниқса, Президентимизнинг **"2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"**ги Фармони қабул қилинганлиги бу жараённи чуқурлаштиришга асос бўлди. Жумладан, 19 минг 748 ўқувчини ўз бағрига олган 44 та янги умумтаълим мактаблари, 41 минг 80 ўринли 32 та касб-ҳунар коллежлари, 2 минг 760 ўринли 4 та академик лицей, 1650 ўқувчига мўлжалланган 9 та ёшлар ётоқхонаси, 32 та болалар спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилганлиги Давлат даражасида қабул қилинган дастурларнинг изчил амалга оширилаётганлигидан далолатдир.

Улуғ алломалардан бири **"Дунё иморатлари ичида биз учун энг улуғи — мактабдир"**, деган эди. Юртбошимизнинг маънавий-маърифий ислоҳотларга эътибор қаратаётганликларида ҳам катта ҳикмат бор. Шу боисдан ҳам 2007 йил инвестиция дастуридан кўпроқ янги мактаблар қуриш, реконструкция қилиш ишлари ўрин олган. Жумладан, 3420 ўринли 6 та касб-ҳунар коллежи, ҳамда 400 ўринли 2 та ётоқхона қурилиши учун 9556,4 миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, асосий қурилиш ишлари мамлакатимиз мустақиллиги байрамигача фойдаланишга топширилади. 805 ўринли 2 та янги умумтаълим мактаби, 6207 ўқувчига мўлжалланган капитал реконструкция қилинадиган 17 та умумтаълим мактаблари, 10 та болалар спорт иншоотлари қурилиши тугалланиб, фойдаланишга топширилиши ҳамда янги ўқув йилигача 24 та мактаб капитал таъмирланиши режалаштирилган.

Ёшларнинг таълим-тарбияси, уларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол инсонлар бўлиб камол топишида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёсдир. Шу боисдан ҳам, вилоятда спорт соҳасида амалга оширилаётган ишлар кўлами йилдан-йилга кенгаймоқда. 100 га яқин наволйлик ёш спортчилар республика терма жамоалари сафларида юртимиз спорт шарафини халқаро майдонларда ҳимоя қилмоқдалар. Улар 50 га яқин Республика миқёсидаги, 10 дан зиёд халқаро мусобақаларда иштирок этиб, 26 та олтин, 34 та кумуш ва 50 га яқин бронза медалларини қўлга киритдилар. Улар орасида Атланта, Сидней, Афинада ўтказилган олимпиадалар, Жаҳон чемпионати ва Жаҳон кубоги иштирокчилари ҳамда Осиё ўйинлари совриндорлари борлиги ифтихорга муносиб.

Бепоён Қизилқум кенгликларида қудратли саноат соҳаси билан бирга пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, пиллачилик тармоқларини ривожлантириш билан Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, унинг қудратини, шуҳратини юксалтиришга астойдил бел боғлаган саховатли замин меҳнаткашлари билан эзгу мақсадларга, ёруғ манзилларга етишимиз аниқ.

Баҳриддин РЎЗИЕВ,
Навоий вилояти ҳокими

Нурота шаҳридаги Чашма қадамжоси

Замонавий зиё маскани


Работи Малик зиёратгоҳи

Марказий банк биноси

Замонавий зиё маскани

Ёшларни миллий истиқлол ғояси асосида етук инсонлар қилиб камол топтириш вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси зиммасига ҳам масъулиятли вазифаларни юклайди. Улар Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги» Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиқиб, қатор ижобий ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Айни пайтда вилоятдаги 4 та академик лицей ва 32 та касб-ҳунар коллежларида 96 та йўналиш бўйича жами 2561 нафар (жумладан, 1 нафар фан доктори, 9 нафар фан номзодлари) олий маълумотли педагог ва муҳандис-педагоглар фаолият кўрсатиб, 30135 нафар ёшларга илм ва касб сирларини ўргатиб келмоқдалар.

Келажак пойдевори

Бугунги кунда Германия, Польша, Корея, Япония ва яна бошқа бир қатор давлатлар билан бошқарма ўртасида ўрнатилган ўзаро ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда. Жумладан, Хатирчи туманидаги агросервис коллежида Японияннинг 1 миллион долларлик вино ишлаб чиқариш цехи, Навбаҳор ва Қизилтепа туманларидаги коллежларда Польша кредити бўйича томат пастаси ва сутни қайта ишлайдиган цехларнинг ўрнатилиши, ёшларнинг ўқиш давридаёқ бевосита ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилиш, меҳнат малакаларини ошириш имконини бермоқда.

Бундан ташқари, таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган педагог, муҳандис-педагог ва ишлаб чиқариш таълими усталари халқаро дастурлар доирасида хорижда амалиёт ва малака ошириш курсларини ўтаб қайтишмоқда. Уларнинг республикамиз миқёсида малака оширишларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, 2007 йилда жами 249 нафар, шундан 37 нафар раҳбар ходим, 104 нафар умумтаълим фани ўқитувчилари ва 99 нафар махсус, касбий фан ўқитувчилари, 3 нафар тарбиячи, 6 нафар кутубхона ходимлари малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ўтиб қайтдилар.

Шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси иқтидорли ўқувчиларни излаш, аниқлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида ҳам бир қатор ижобий ютуқларни қўлга киритди. Вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ҳарбий спорт мусобақаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши, вилоят адлия бошқармаси, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича вилоят судлари, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ва вилоят телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловлари ўтказилиши ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини, билимини оширишга хизмат қилмоқда.

Навбаҳор агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг "Навбаҳор" жамоаси Тошкент шаҳрида ўтказилган "Ўйла, Изла, Топ ёки 7Х7" интеллектуал ўйинининг Республика босқичида фахрли 3-ўринни эгаллади.

2007 йилда Томди қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг «Бошланғич таълим» йўналиши бўйича 1-босқич талабаси Мулдир Рустамова Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Иқтидорли ўқувчи ёшлар орасида спорт соҳасида ҳам юқори натижаларни қўлга киритган ва халқаро нуфуздаги мусобақаларда иштирок этишга сазовор бўлганлар кўплаб топилади. Жумладан, Навоий кончилик касб-ҳунар коллежи ўқувчилари Ефим Наниев паурлифтинг спорт тури бўйича Болгарияда ўтказилган жаҳон биринчилигида жаҳон чемпионлигини, Ильгиз Рамилёв оғир атлетика бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақасида фахрли 2-ўринни эгаллаб, кумуш медални қўлга киритган бўлсалар, Бахтиёр Мирзаев Москва шаҳрида ўтказилган юнон-рум кураши бўйича халқаро турнирда фахрли 3-ўринни эгаллаб, бронза медали соҳиби, Сарвиноз Тонготарова армрестлинг бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Навоий академик лицейи ўқувчиси Озода Каримова шахмат бўйича Ўзбекистон биринчилигида иштирок этиб, олий лига мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Кўриниб турибдики, ёшларимиз Юртбошимиз фахр билан таъкидлаган **"Бизнинг ишимизга кимки баҳо бермоқчи бўлса, ана шу ёшларга, уларнинг онги ва дунёқарашига боқсин"**, деган сўзларига муносиб эканликларини амалда исботламоқдалар.

Баҳодир СОБИРОВ,
Навоий вилояти Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи, техника фанлари номзоди

Қадриятлар изидан

Ипак нурларига йўғрилган кашталар нафақат ўлмас ва қадимий санъат тури, балки ўзига хос тадбиркорлик мактаби ҳамдир.

Ўттиз йил мактабда муаллималик қилдим. Ёшларга она тили ва адабиёт фанидан дарс бердим. Минглаб ўғил-қизларни тилимизга меҳр, она Ватанимизга садоқат руҳида тарбиялашга ўз ҳиссамни қўшганимдан мамнунман.

1999 йили пенсияга чиқдим. Кексалик гаштини суриб, уйда ўтирсам бўларди. Аммо Нуротанинг ўзига хос каштачилик мактаби мени яна ёшлар билан ишлашга чорлади. Миллий каштачиликни ривожлантиришга эътибор қаратишимга асосий сабаб, биринчидан каштачилик менга момомерос касб бўлса, иккинчидан, Нурота тумани тоғли ҳудудда жойлашгани сабабли бу ердаги хотин-қизларни иш билан таъминлаш муаммо эканлиги учун қизларга касб-ҳунар ўргатишга имкон борлиги сабаб бўлди.

Дастлабки йили 25 нафар хотин-қизлар билан иш бошлаган бўлсам, бугунги кунда шогирдларимнинг сафи кенгайиб, уларнинг сони 150 нафардан ошиб кетди.

Нурота каштачилик мактабининг ўзига хос хусусиятларидан бири, кашталар қўлда, матога ипак иплар билан тикилади. Бежиримлиги, нафислиги билан ҳар қандай кишини мафтун этади.

Шунинг учун ҳам биз яратган «Нурота сўзанаси», «Қашқарча», «Эски ўзбек», «Аноргулли», «Бухороча», «Самарқандча» каби кашталар тўпламимиз нафақат Ўзбекистонда, балки Америка, Англия, Малайзия, Германия, Япония каби кўплаб хориж давлатларида ҳам санъат намунаси сифатида кўргазмалардан жой олган.

Бебаҳо меҳнатимизга хорижлик харидорлар кўп. Туркиялик ишбилармон Исматулла Махтум раҳбарлик қилаётган «Розэ» фирмаси билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. 2006 йилда 8,5 миллион сўмлик кашталаримиз шартнома асосида чет элликларга сотилган бўлса, жорий йилнинг айни пайтигача буюртма асосида яратган кашталаримиз 6 миллиондан ошди. Бундан ташқари, вилоятимизга ташриф буюрган сайёҳлар, албатта, Нуротага зиёратга келади ва биз тиккан кашталардан харид қилади.

Халқ амалий санъатини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссамиз, нафақат қадимий қадриятларимизни асрашга, балки хотин-қизларимиз бандлигини таъминлашга, турмуш фаровонлигини оширишга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Жумладан, «Оқмачит» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ишсиз хотин-қизларнинг 50 нафари уйида иш билан таъминланди. Шогирдларимнинг яхши меҳнат қилишлари, яхши дам олишларини ташкил қилиш менинг вазифам эканлигини яхши тушунаман. Қишлоқ аёлларининг ўз ҳунарлари орқасидан рўзғорларини бутлашлари, Самарқанд, Бухоро каби қадимий шаҳарларга зиёратга боришлари ана шу меҳнатимиз шарофатидир.

Кўриниб турибдики, юртимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга берилаётган катта эътибор биз учун янги имкониятлар эшигини очди. Замон тадбиркорники бўлган шундай юрт учун ҳар қанча меҳнат қилсак арзийди.

Санобар ОЧИЛОВА,
тадбиркор

Рақобатга

Йил якунларига доир ҳукумат йиғилишида Юртбошимиз *«Бешинчи — энг муҳим устувор масала — бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этишдан иборат»*, деб бежизга таъкидламади.

Мамлакатимизда хусусий мулкчиликнинг ривожланиши тадбиркорлик ва ишлаб чиқаришнинг ўсишини таъминлабгина қолмай, янги иш ўринлари яратиб, олис қишлоқлардаги аҳолини иш билан банд бўлишига хизмат қилмоқда.

Бу борада Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги **«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»**ги 3750-сонли Фармони ва ушбу Фармонни бажариш юзасидан ҳамда банк фаолиятини ташкил этишни таъминлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 майдаги **«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги 78-сонли Қарори қабул қилиниши айни муддао бўлди.

Юқорида қайд этилган Фармон ва қарорларда белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан банкнинг вилоят филиалида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Микросармоялар чинакам ишбилармон ва моҳир тадбиркорлар қўлига етиб бориши ва яхши самаралар беришига, янги хизмат турларини жорий қилишга, минибанклар очиш орқали мижозлар сонини кўпайтиришга, банк ахборот тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, тадбиркорлик субъектларини ҳамда мазкур фаолият билан шуғулланиш истагида бўлганларни, аниқса, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида хотин-қизлар қўмиталари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Оқсоқоллар кенгаши ва Маҳалла жамғармасининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш бўйича семинарлар ташкил этилди.

Қишлоқ жойларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча имкониятларни таъминлайдиган филиаллар ва минибанклар тизими орқали молиявий инфратузилмани янада ривожлантиришга эътибор қаратилди.

Бугунги кунда «Микрокредитбанк» вилоят филиалининг 3 та бўлими 14 та минибанки фаолият кўрсатмоқда. Вилоятнинг олис туманлари бўлмиш Учқудуқ, Томди, Конимех ва Нурота туманларидаги банк агентликлари минибанкка айлантирилганлиги янги ташкил этилган фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш ва уларга намунали банк хизмати кўрсатишни назарда тутади.

Қарз олувчилар учун ҳужжатлар бирмунча соддалаштирилди. Яъни мижозлар томонидан микрокредит олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати микрокредит олишга буюртманома, бизнес-режа, микрокредит қайтарилиши таъминланишини тасдиқловчи ҳужжатлар билан чекланадиган бўлди. Ана шу афзалликлар туфайли банкда йил бошида 4621 та мижозга намунали хизмат кўрсатилган бўлса, бугунги кунга келиб, мижозлар сони 841 нафарга ошган, яъни 5462 нафарни ташкил этмоқда.

1 2

миллатидан қатъи назар, ягона мақсад — озод Ўзбекистоннинг бахш этишга тайёр инсонлар яшайди.

Ислом КАРИМОВ

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш

ЮРТ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, унинг эркин фаолият юритишини таъминлаш иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов *"Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир"* деб номланган маърузасида иқтисодий соҳадаги муҳим устувор вазифалар айнан хусусий тармоқни жадал ривожлантириш, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини кўпайтиришни таъминлашда давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада кўпроқ чеклаш, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда уларга молиявий кўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Дарҳақиқат, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг асосий шартидир. Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантирувчи, хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминловчи бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Амалдаги қонун ҳужжатларига асосан 2005 йил 1 июлдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари, хусусан, белгиланган истиснолардан ташқари фаолиятни тўхтатиб қўйиш, тугатиш, банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, молиявий санкцияларни қўллаш, ҳуқуқбузарликлар предметларини давлат даромадига ўтказиш, лицензияларни ўн кундан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш фақат суд тартибида белгиланди. Шунингдек, микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўлови жорий этилди.

Бундан ташқари, ҳисобот топшириш тизими такомиллаштирилиб, уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарлик кучайтирилди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта содир этилган, қасддан қилинмаган ва кам аҳамиятли, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар камроқ тушишига олиб келмайдиган ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларга нисбатан материалларни суд идораларига тақдим этмасдан туриб, фақат маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилиши ҳам юксак инсонпарварлик тамойилларига асосланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартибқоидаларини соддалаштириш тўғрисида"**ги 186-сонли қарорига асосан 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб қонун ҳужжатларида белгиланган фаолият турлари билан шуғулланиш учун лицензиялар камида 5 йил муддатга, 13 та фаолият турларини амалга ошириш учун лицензиялар чекланмаган муддатга бериладиган бўлди.

Шу билан бирга Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган **"Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"**ги ПК-630-сонли қарорига асосан 2007 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилганлиги ҳам ортиқча сансалорликларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Маълумки, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаат ва эркинликларини кафолатлаш, қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш адлия тизимининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Вилоят адлия бошқармаси ҳам бу борада бир қатор ижобий ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир 48 та тақдимнома киритилди. Киритилган тақдимномаларга кўра, жами 72 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган. Шундан 5 нафари вазифасидан озод этилган. Тақдимномаларга асосан назорат қилувчи идораларнинг 5 та қарори бекор қилинди.

Адлия идоралари томонидан тадбиркорлар манфаатларини кўзлаб судларга 45 та ёки 516 175 822 сўмлик даъво аризалари киритилиб, шундан 36 таси, яъни 266 469 617 сўмлик даъво аризалари қаноатлантирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги **"Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарори вилоятда фаолият кўрсатаётган 44 та хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятидаги муаммоларни бартараф этишни таъминламоқда. Мазкур корхоналарни қўллаб-қувватлаш, иш ўринлари билан таъминланган 3245 нафар маҳаллий аҳолини ҳимоя қилиш, демакдир.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, инвестиция иқлимининг жозибадорлигини ошириш, бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан ҳудудларга хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб қилиш, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ташкил этиш масалаларига, шунингдек, вилоятда ҳам инвестицион муҳитни яхшилашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жорий йилда адлия бошқармаси томонидан масъулияти чекланган жамият шаклидаги "QIZILQUM-EKO» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси, «QIZILQUM SILIKAT» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси, «NAVOIY MILLING» Буюк Британия хорижий корхоналарининг давлат рўйхатидан ўтказилиши бунинг ёрқин мисолидир.

Жамшид РАҲМОНОВ,
Навоий вилоят адлия бошқармаси бошлиғи

Навоий вилоят ҳокимлиги биноси

Юртбошимизнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан «Энг муҳими, ёрдамга эҳтиёж сезиб яшайдиган оилалар ва одамларнинг барчасига бир кўз билан қарамасдан, балки ҳар бир тоифанинг ўзига хос қийинчилиги ва дарди, ғаму ташвишларини яқиндан ўрганиб, бу эҳтиёжларни қондиришга кўлимиздан келганча ҳаракат қилишимиз керак», деган таъкидлари бу борадаги тажрибаларимизни янада бойитишимиз, мадад ва меҳрга муҳтож ҳар бир кекса ёки ногиронга алоҳида эътибор қаратишимиз лозимлигини тақозо этади.

Синовларга дош бериб...

Саҳрода қад ростлаган «Қизилқумцемент» корхонасида илк бор маҳсулот ишлаб чиқарилганига бу йил ўттиз йил тўлади. Ана шу йиллар давомида тўхтовсиз, бир маромда ишлаб турган цемент заводи ўзига хос, машаққатли юксалиш йўлларини босиб ўтди. Бугун мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган цементнинг 48,1 фоизини навоийлик цементчилар етказиб бераётганлигидан корхона аҳли ҳақли равишда фахрланса арзийди. Агар ўз вақтида ҳукумат эътибори бўлмаганда, юртимиздаги айрим корхона ва ташкилотлар қатори бу корхона ҳам иқтисодий қийинчиликларга дош беролмасдан инқирозга юз тутиши мумкин эди.

«Қизилқумцемент» корхонаси

Корхона жамоаси катта довонларни эгаллаш учун катта синовларни енгиб ўтди. Ишлаб чиқариш миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,7 фоизга ўсди. Ёки жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 1441,8 минг тонна цемент ишлаб чиқарилди. Кейинги йилларда корхонада нафақат ҳажм жиҳатидан, балки сифат жиҳатидан дунё бозори билан рақобатлаша оладиган маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Шунинг учун ҳам корхона жаҳон андозаларига мос сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича бир неча бор халқаро танловларда ғолиб чиқди. 2000 йилда Испанияда «Олтин юлдуз» нишонига ва 2001 йилда Пекинда «Олтин кубок» соҳибига айланди. 2002 йилда Лондон шаҳрида «Глобал Кволити менежмент» компанияси қарорига мувофиқ махсус соврин эгаси бўлди. 2005 йилда эса корхонага халқаро стандарт бўйича сифат менежменти тизимининг жорий қилинганлигини тасдиқловчи сертификат берилди. Буларнинг барчаси юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қўшаётган ҳиссамизни кўрсатиб турибди.

2006 йилда цемент ишлаб чиқариш ҳажми 2 миллион 683,8 минг тоннага етказилди. Таққослама нархларда ишлаб чиқарилган товар маҳсулотлар ҳажми 119 миллиард 721 миллион сўмни ташкил этди. Ўтган йил якунига кўра, цементни экспорт қилиш режаси 110 фоизга бажарилди. 2002 йилдан бошлаб корхонада тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунга келиб бетон, шлаколоблок, ФС блоки, йўлак плиткалари, ҳар хил фракцияли шебен ва бошқа маҳсулотлар ўз харидорларини топмоқда. Цементни майдалаш технологик жараёнини автоматик бошқариш жорий этилди. Локализация дастурига асосан корхонамизда ўтга чидамли ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 2006 йилда 1817 тонна шундай маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги ҳамда цементни қадоқлаш мақсадида полипропилен халта ишлаб чиқариш цехи фойдаланишга топширилганлиги мамлакатимизда ҳал қилувчи вазифалардан бири бўлган иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш каби вазифаларни ҳал қилишга ҳисса қўшмоқда.

Бундан ташқари, ёқилғи энергетика ресурсларини тежаш борасида тузилган чора-тадбирлар тўлиқ бажарилди. Ўтган йилда олинган фойда ҳисобидан ишлаб чиқариш ускуналарини модернизациялаш давом эттирилди ва шу мақсадга қарийб 40 миллиард сўм миқдорида инвестиция йўналтирилганлиги фикримизнинг исботидир.

Корхонада ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бир қаторда қўшимча манбалар асосида янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлашга ҳисса қўшиш ҳам эътиборимиздан четда қолгани йўқ. Президентимизнинг 2006 йил 5 январда эълон қилинган **«Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони ҳам корхона маъмурияти томонидан чуқур ўрганилиб, шу асосда тегишли дастур ишлаб чиқилди. Мазкур дастурга мувофиқ, 72 та иш ўрни ташкил этилиб, 72 нафар фуқаро касаначилик асосида иш бошлади. Ўнлаб уй бекалари иш билан банд бўлишига эришилди.

Хуллас, фаровонлик калити қўлимизда, пўлатдек ўтда тобланаётган меҳнатимизда. Энг муҳими, амалга ошираётган барча хайрли ишларимиз мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, иқтисодиётимизни ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётганлигидан мамнунмиз.

Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ,
«Қизилқумцемент» очиқ акциядорлик жамияти бош директори, Сенатор

Алишер Навоий номидаги жомъе масжиди

«Дельфин» чўмилиш ҳавзаси

Навоий шаҳридаги Марказий савдо мажмуи

Меҳр ва мадад мезони

Президентимизнинг 2006 йил 7 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган **«2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури»** га асосан эса 474 нафар кекса ёлғиз, пенсионерлар ва ногиронларга туман, шаҳар ҳокимликлари, корхоналар, ташкилотлар, ширкат хўжаликлари ва тадбиркорларнинг ҳомийлиги асосида турли хил моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Шунингдек, аҳолининг ўзгалар қаровига муҳтож қатламларига 96 нафар ижтимоий хизмат ходимлари, 17 нафар Қизил Ярим ой жамияти томонидан хизмат кўрсатувчилар бириктирилди. 133 та корхона ва ташкилот томонидан 457 та кам таъминланган ва кўп болали оила аъзоларига моддий ёрдам бериш мақсадида жамоа шартномалари ва битимлар тузилиб, бу ҳужжатлар асосида йил давомида 350,0 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам бериш режалаштирилган бўлиб, ўтган давр мобайнида 118,6 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатишга эришилди.

Аҳолининг ижтимоий ночор қатламини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида туман, шаҳарларда истиқомат қилаётган муҳтож оилаларга 3000 бош қорамол бериш режаси вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланган эди. Ҳозирги кунга қадар аниқланган ана шундай кам таъминланган оилаларга 1355 бош қорамол берилди. 400 та муҳтож оилаларга бандлик жамғармасидан қорамол харид қилиш учун 158,0 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Инсонлар саломатлигини тиклашга қаратилган чора-тадбирларимиз ҳам фаолиятимизнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Шу боисдан ҳам ижтимоий аҳамиятга молик касалликларнинг 13 хил тури бўйича рўйхатда турган беморларга бепул дори-дармонлар бериш кўлами кенгайтирилди, 9630 нафар болаликдан ногирон, 255 нафар ота-онасиз болалар, 880 та кам таъминланган оилаларнинг аъзолари, 7564 та боқувчисини йўқотган, 5029 та кўп болали оилаларнинг аъзоларига малакали тиббий ёрдам кўрсатилди. 281 нафар ёлғиз кекса, пенсионер, ногиронлар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

Вилоятда истиқомат қилаётган реабилитациянинг техник воситаларига муҳтож ногиронлардан 92 нафари ногиронлар аравачаси, 45 нафари эшитиш мосламаси, 138 нафари ҳасса, 56 нафари қўлтиқтаёқ ва 215 нафари протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминланди.

Республикамиз ва чет эл клиникаларида туғма ривожланиш нуқсонлари бўлган болаларни соғломлаштириш тадбирлари давом эттирилмоқда.

Вилоятда истиқомат қилаётган пенсионер ва ногиронларимизнинг сиҳатгоҳ ва оромгоҳларга бўлган талабини қондириш мақсадида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли «Олтиариқ», «Товоксой» ва «Косонсой» сиҳатгоҳларига 450 дона йўлланмалар ажратилиб, пенсионер ва ногиронлар ўз соғлиқларини тиклашларига эришилди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» дастурига асосан «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳомийлигида 7403,2 минг сўмлик 35 дона, «Қизилқумцемент» корхона ҳомийлигида 4836,6 минг сўмлик 10 дона, жами 12239,8 минг сўмлик 45 дона бепул йўлланмалар пенсионер ва ногиронларга берилди.

Маълумки, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя ҳамда фаровонлик механизмининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Зеро, иш билан бандлик инсонни ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, унга ҳам маънавий, ҳам моддий қанот бўлиши табиий.

Вилоятда бу йўналишда ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар, йирик корхона ва ташкилотлар ҳамкорлигида туман ва шаҳар меҳнат бўлимлари орқали вилоятнинг барча туман ва шаҳар марказларида 18 маротаба бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди. Ўтказилган ярмаркаларда асосий эътибор ҳеч қаерда ўқимасдан, ишламасдан юрган ёшларни, ҳарбий хизматдан қайтган йигитларни, жазони ўташ муассасаларидан озод этилганларни ҳамда ишсиз хотин-қизларни доимий иш билан таъминлашга қаратилди. Меҳнат ярмаркаларида иштирок этган 1726 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди, 82 нафар шахс, шундан 63 нафари хотин-қизлар касбга қайта ўқитишга йўналтирилди. 111 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди.

Вилоятда «2005-2007 йилларда хотин-қизларни иш билан таъминлаш» дастури ҳам меҳнат бозорига кириб келаётган хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган бўлиб, 2007 йилнинг биринчи ярим йили давомида аёллар учун 5100 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган эди, ҳамкорликдаги ижобий ишлар натижасида турли хил йўналишлар бўйича 5934 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Вилоятда яратилган иш ўринларининг 4808 таси кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳисобига тўғри келаётганлиги вилоятда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан ва бу борадаги ижобий натижалар оилалар фаровонлигини оширишга хизмат қилаётганидан далолат бериб турибди.

Жалил НОРОВ,
Навоий вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи

тайёрмиз

Шундан 1167 таси жисмоний шахслар, 1521 нафари хусусий ва якка тадбиркорлар, 2216 таси деҳқон ва фермер хўжаликлари, 558 нафари бошқа мижозлардан иборат.

Мамлакатимизда энг устувор масалалардан бири саналган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида «Микрокредитбанк»нинг вилоят филиали ўтган 2006 йил давомида кичик бизнес субъектларига жами 1.130.559,0 минг сўм имтиёзли микрокредит ажратган бўлса, жорий йилнинг 6 ойи давомида банк томонидан 1.556.211,0 минг сўм микрокредит ва микролизинг маблағлари ажратилди. Яъни бу борадаги ярим йиллик режа 254 фоизга бажарилди.

Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги 308-сонли қарори асосида кам таъминланган оилаларга чорва моллари сотиб олиш учун жами 47.900,0 минг сўм микрокредит ажратилди. Бу йўналишдаги ярим йиллик режа ҳам 130 фоизга бажарилди.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбарининг **"Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги 640-сонли қарори асосида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун жами 265.511,0 минг сўм микрокредит маблағлари ажратилган бўлиб, бу белгиланган режага нисбатан анча кўпдир.

Юртбошимиз **"Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 199.033,0 минг сўм микрокредит маблағлари ажратилиб, режа ортиғи билан уддаланди. Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш ва Президентимизнинг 3434-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида тадбиркор хотин-қизларга 309.700,0 минг сўм микрокредит маблағлари ажратилди. Энг муҳими, ажратилган кредитлар эвазига 2982 та янги иш ўринлари яратилди.

Давлатимиз рахбарининг **"Биз кичик бизнес таркибини, авваламбор, унинг техник ва технологик тузилмасини яхшилаш масаласини кун тартибига кескин қилиб қўйишимиз даркор"**, деган кўрсатмалари асосида олиб борилаётган ишларимиз ижобий натижа бермоқда.

Жумладан, банк маблағлари ҳисобидан шу йилнинг ўзида Конимех туманидаги "Аслиддин Сервис" хусусий корхонасига 10 миллион сўмлик автомобилларга техник хизмат кўрсатадиган ускуналар лизинг шартномаси асосида олиб берилди. Учқудуқдаги "Учқудуқ тегирмони" хусусий фирмаси лизинг шартномаси орқали 6 миллион сўмга нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган асбоб-ускуналарга эга бўлди. Ёки Томди туманидаги "Томди қурилиш" хусусий корхонасига пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган 20 миллион сўмлик қурилма ҳам лизинг шартномаси асосида олинди.

Банк-молия тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш буйича устувор вазифалардан келиб чиқиб, тижорат банкимиз қисқа муддатли кредитлар ажратиш билан чекланиб қолмай, хизмат кўрсатиш турларини кўпайтиришга, инвестиция жараёнларида ҳам иштирок этишни таъминлашга, астойдил ҳаракат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, банк хизматлари бозорида рақобатга тайёрмиз.

Анвар РАШИДОВ,
«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки Навоий вилоят филиали бошлиғи

Кўш саҳифа материалларини «Инсон ва қонун» мухбири Маруса ҲОСИЛОВА тайёрлади

Huquqiy ma`rifat

Қонун талаби

Тадбиркорликнинг келажаги порлоқлигига барчамизнинг ишончимиз тобора ортиб бормоқда. Қабул қилинаётган қарорлар ва Фармонлар, амалга оширилаётган чора-тадбирлар давлатимиз томонидан соҳа равнақига, унинг тараққий этишига жуда катта эътибор берилаётганидан далолатдир.

Амалдаги қонунчиликда тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир, деб кўрсатилган.

Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги «**Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги Фармони назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини қисқартиришга, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашга, тадбиркорлик фаолиятини асоссиз чеклашларга йўл қўймасликка қаратилган.

Назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги, шунингдек, ўрнатилган тартибни бузган ҳолда муқобил текширувлар ўтказганлиги учун шахсан жавобгардирлар.

Шунингдек, Президентимизнинг 2005 йил 24 июндаги «**Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида**»ги Фармонига асосан тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жавобгарлик чораси назорат қилувчи орган томонидан материаллар судга тақдим этилмасдан қўлланилишига қаратилди.

Тадбиркорлик субъекти томонидан содир этилган кам аҳамиятли ҳуқуқбузарлик деганда, маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари формал жиҳатдан мавжуд бўлган, аммо давлат бюджети ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига жиддий моддий зарар етказмаган қилмиши тушунилмоғи лозим.

Тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар юзасидан иш юритиш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 4-бўлими қоидаларига асосан амалга ошириш назарда тутилган. Амалдаги «**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида**»ги Қонуннинг 9-моддаси ва «**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**»ги Қонуннинг 40-моддасига мувофиқ тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишга назорат қилувчи органларнинг қонунда белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилган махсус гувоҳнома эга бўлган мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлгандагина ҳақлидирлар.

«**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**»ги Қонуннинг 49-моддасига кўра тадбиркорлик субъектлари давлат органлари ва бошқа органларнинг ноқонуний қарорлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан ўз хоҳишларига кўра бўйсунув тартиби асосида юқори органлар ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган.

Юқорида қайд этилган қонун талабига кўра тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Суд қонунийлик бузилган ҳар бир ҳолат бўйича мансабдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини қўйиш, ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарадиган сабаблар ва шароитларни пухта ўрганиш, хусусий ажримлар чиқариш йўли билан уларни бартараф этиш чораларини кўриши лозим бўлади.

Абдулла ТЎЙЧИЕВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди судьяси

Tizim tadbirlari

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида "Виждон эркинлиги ва диний бағрикенглик" мавзусида семинар йиғилиш бўлиб ўтди.

Бағрикенглик ифодаси

Йиғилишни Адлия вазирининг ўринбосари С.Холбаев олиб борди. Мазкур анжуман Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан 16та диний конфессия вакиллари ўртасида виждон эркинлиги ва диний бағрикенгликни таъминлаш соҳасида ўзаро очиқ ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда диний ташкилотлар фаолияти давомида келиб чиқувчи айрим масалалар ечимини топиш мақсадида ташкил этилди.

Семинарда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитаси, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, Тошкент ислом университети, Рус Православ Черковларининг Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси, Ислом ўқув муассасалари, Яҳудийлар диний жамоаси, Рим католик черкови, Арман Апостоль черкови, Немис Евангель-Лютеран черкови, Бахоилар диний жамоаси, Иегова гувоҳлари, Будда храми ва бошқа диний ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Семинарда Адлия вазирлигининг бошқарма бошлиғи Ж.Абдусатторов сўзга чиқиб, мамлакатимизда виждон эркинлиги ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда турли диний ташкилотларнинг фаолият кўрсатиши учун барча ҳуқуқий-меъёрий манбалар яратилганлигини таъкидлади. Шунингдек, бошқа маърузачилар ҳам диний қонунчилик, диний бағрикенглик масалалари, давлат ва дин ўртасидаги ўзаро муносабатлар, миссионерлик фаолиятининг салбий оқибатлари, диний ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва юртимизда диний ибодат ва расм-русумларни амалга ошириш учун барча қулай шароитлар яратилганлигини айтиб ўтдилар.

Адлия вазирлиги ахборот хизмати

Тарғибот

Маълумки, Ўзбекистонда ўлим жазосини жиноий жазо тизимидан чиқариб ташланиши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказилиши суд-ҳуқуқ тизимида катта ижтимоий-сиёсий воқеа бўлди. Айни дамда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилган ислоҳотлар самараси ўлароқ, юз берган воқеа юзасидан қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг миқёсда тарғиб қилиш, жойларда ташвиқот ва тушунтириш ишлари олиб бориш, ижрочиларга етказиш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан ушбу мавзуга бағишланган минтақавий-семинар кенгаши бўлиб ўтди. Мазкур йиғилишга Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, Прокуратура, Ички ишлар ходимлари, шаҳар, вилоят ва туман ходимлари, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар раҳбарлари ҳамда шаҳар, туман «Маҳалла» кенгашидан вакиллар иштирок этишди.

Бундай минтақавий-семинар тадбирлари шаҳримиздаги барча туманларда мунтазам ўтказилмоқда. Ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказилиши бўйича қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш учун тузилган ишчи гуруҳлари томонидан жойларда ҳамон тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Г.ШОДИЕВА

Inson va islohot

Суғурталаш

ижтимоий ҳимоянинг ўзига хос ва ишончли йўли

Бугун одамлар турмуши, жамият ҳаёти барқарорлигини юксалтирувчи яна бир омил мавжуд. Бу суғурта кафолати!

Суғурталаш барча тараққий этган мамлакатларга хос бўлган хизмат тури. Ижтимоий ҳимоянинг ўзига хос ва ишончли усули. Хизматнинг бу тури юқори даражада ривожланган мамлакатларнинг барчасида ҳаётий эҳтиёжга айланади ва суғурталашга аксарият ҳолларда суғурталанувчиларнинг ўзлари ташаббускор бўлишади.

Аҳолининг шу тарзда фаоллашуви мустақиллигимиздан сўнг Ўзбекистонда ҳам кузатиляпти. Бу эса аҳолининг ҳуқуқий ва иқтисодий масалалар бўйича фаоллашувидан нишона. Иқтисодий-ижтимоий таҳлил ва кузатувлар суғурта хизматлари бозорининг истиқболи катта эканлигидан далолат беради. Хизматнинг бу турини ривожлантиришга Президентимизнинг ўзи бошқош бўлаётгани ана шу истиқболнинг ишончли гаровидир. Масалага шу жиҳатдан ёндашилса, Президентимиз Ислом Каримовнинг «**Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги қарори аҳамияти тўла намоён бўлади.

Суғурталаш соҳасида эришилаётган натижаларни эътироф этган ҳолда, ушбу қарорда кўрсатиб берилган устувор вазифалар ва уларни ижро этиш йўл-йўриқларига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Таъкидлаш зарурки, суғурта хизмати Ўзбекистонда аввал ҳам мавжуд бўлган ва кўпинча давлат манфаатлари учун қўйилган. Истиқлол йилларида қайтадан шаклланган суғурта хизмати эса фарқли равишда суғурталанувчилар манфаатларини кўзлайди. Шуни мамнуният билан қайд этамизки, эндиликда мамлакат суғурта хизмати ўз фаолиятини рақобат ва бозор асосида ташкил этаяпти. Истиқлол шарофати билан суғурталаш масаласида бир-бири билан ҳалол рақобатлаша оладиган мустақил суғурта муассасалари вужудга келди. Бизнинг вилоятимизда ушбу тадбир «Агросуғурта» ва «Кафолат», деб номланган суғурта мажмуалари томонидан амалга оширилмоқда.

2007 йилнинг ўтган даври мобайнида ҳар иккала муассаса томонидан расмийлаштирилган шартномаларнинг умумий сони 90 мингдан ортди. Суғурта тушумлари миқдори 410,1 миллион сўмни, суғурта жавобгарлиги қиймати эса 67,1 миллиард сўмни ташкил этди. Суғурталанувчиларни жалб этиш бўйича ҳар иккала ташкилот ўртасида ўзига хос рақобат, мусобақа ва бозор муҳити юзага келганлиги ибратли ҳол ва тараққиёт кафолатидир.

Мамлакатимиз Президенти қарорида ушбу жараёнларни янада такомиллаштириш ва чуқурлаштириш вазифаси қўйилган. Унга мувофиқ, 2007-2010 йиллар ичида мамлакат суғурта бозори тубдан ислоҳ қилиниб ривожлантирилади. Кенг халқ оммага давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилувчи ушбу дастурда, жумладан, суғурталаш, суғурта фаолияти, суғурта назоратининг қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базасини халқаро амалиётга мувофиқ янада такомиллаштириш, кўрсатилаётган суғурта хизматлари, айниқса, тадбиркорлик фаолиятини, импорт-экспорт операцияларини, ҳаётни узоқ муддатга суғурталаш, суғуртанинг жамғарма турлари соҳасида хизматлар ҳажмини, кўламини кенгайтириш, сифатини ошириш, республика суғурта бозорини халқаро суғурта бозорларига интеграциялаш, суғурталаш соҳаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ устувор вазифалар баён этилган. Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисидаги долзарб масала ҳам давлатимиз раҳбари қарори туфайли ечим топадиган бўлди.

Шу юзадан тасдиқланган Низомга кўра мазкур бозорнинг профессионал қатнашчилари, чунончи, суғурталовчилар, суғурталаш ва қайта суғурталаш брокерлари, суғурта агентлари, аджастер хизматларини кўрсатадиган юридик ва жисмоний шахслар (аджастерлар, аджастер ташкилотлари), актуар хизматларини кўрсатувчилар (актуарлар ва актуар ташкилотлар), ассистанс хизматларини кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар, сюрвейер суғурта хизматларини кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг мақоми, ваколати, ҳуқуқ ва мажбуриятларига биринчи бора тўла аниқлик киритилди. Республика Адлия ва Молия Вазирликлари Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда мазкур Низом талабларига жавоб бермайдиган суғурта ташкилотлари фаолиятини 2008 йил 1 январгача белгиланган тартибда тўхтатиш ва уларнинг лицензияларини бекор қилиш чора-тадбирларини амалга оширади.

Яна бир янгилик: қарорга мувофиқ Ўзбекистон суғурта бозори профессионал қатнашчилари уюшмасини ташкил этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди.

Президент қарорида имтиёз масаласи ҳам қайд этилган. Унга биноан мол-мулкни ва ҳаётни узоқ муддатга суғурталаш бўйича суғурта мукофотлари солиққа тортилмайди. Бу қадам мамлакатимизда суғурта бозорини ривожлантириш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурталаш тадбирларида фаол қатнашишини рағбатлантириш ниятида ташланаётганлигини эслатмоқ зарур. Шунингдек, Президентимизнинг «**Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**»ги 2007 йил 21 майдаги 640-сонли қарорига асосан суғурта хизмати кўрсатувчи юридик шахслар 2010 йилнинг 31 декабригача даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилган.

Суғурталаш бутун жаҳонда кенг тарқалган ва оммалашган ижтимоий муҳофаза стратегияси ҳисобланади. Бундай истиқболли йўлни мустақил Ўзбекистонимиз ҳам танлаган экан, унга нисбатан хайрихоҳлик ва амалий саъй-ҳаракатларни ҳар бир юртдошимиз намоён этмоғи керак. Суғурталаш — турмуш фаровонлиги, дахлсизлиги ва хавфсизлиги мезонидир.

Одилхон РУСТАМОВ,
Хоразм вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи

Чақмоқтош

Ростгўй нима деди?



Подшоҳ овда кийикни қувиб келаётган экан. Кийик ҳеч қачон ёлғон гапирмайдиган бир инсоф эгасининг ёнидан қочиб ўтиб, бутазорга кириб кетибди. Орадан кўп ўтмай, подшоҳ ўша ростгўй инсонга рўпара келиб:

— Шу ердан бир кийик қочиб ўтмадими? — деб сўрабди.

Ростгўй зот оғир вазиятга тушиб қолибди. Кўрдим, деса, бечора кийик ўлдирилади, кўрмадим деса, ёлғон гапирган бўлади. Шунда ўша ростгўй банда шундай бир доно жавоб топибдики, натижада подшоҳ бу доно гапдан сўнг кийикдан воз кечиб, изига қайтиб кетибди.

Инсоф эгасининг подшоҳга берган доно жавоби қандай эди?

Донишманд ҳаммани лол этди...

Бир подшоҳ ўз саройида бўшаб қолган ўринга донишманд бир вазир танлаш учун барча сарой аъёнларини тўплабди. Кўз остига олинган номзодни барча йиғилган аъёнлар турли саволларга кўмиб ташлашибди. Уларнинг ҳаммасига бурро-бурро жавоб берган донишманд подшо ижозати билан савол бериш навбатини ўзи олиб, сарой аъёнларидан:

— Эшикнинг ғижирлаши нимани англатади? — деб сўрабди.

Вазирлар ўйлаб-ўйлаб тайинли жавоб айтиша олмагач, ўзи жавоб берибди. Жавобдан барча вазирлар лол қолибди.

Донишманд саволининг жавоби қандай?

«Чақмоқтош»да берилаётган ўнта саволга тўғри жавоб топиб, бизга мактуб йўллаган мухлис таҳририятнинг қимматбаҳо совғаси билан тақдирланади.

БИР ҲОВУЧ ДУР

Нур ва зулмат

Шарқ донишмандларидан бири шундай деган экан: «Қай бир халқ орасида ҳийла ва алдов ақллилик ҳисобланса, у миллат ҳалок бўлади. Ҳийла ва алдовга кўп нарса киради. Энг аянчлиси эса тарозидан алдаш, сифатсиз нарсаларни алдаб сотиш ва одамларни ишлатиб, уларнинг ҳаққини бермасликдир...»

Яхшиликнинг йўли ёруғ

Улуғ алломалардан бири Ибн Аббос шундай деган экан: «Яхшилик ҳақида фикр қилинглар, чунки яхшилик ҳақида ўйлаш кишини ўша яхшилик қилишга ундайди. Ёмонликдан афсус қилинглар, чунки афсус ўша ёмонликни тарк этишга бошлайди...»

Дили дарё зот

Дунё кўп олимларни кўрган. Уларнинг айтишига қараганда, инсоннинг ҳуснига, молу дунёси-ю, мансабига қараб баҳо берилмас экан. Инсоннинг дилига ва қилган яхши амалларига қараб, унинг қандай эканлиги белгиланар экан.

Қалб юки заминдан оғир

Донишмандлардан бири шундай деган экан. «Қалбингиз кирланишидан ҳосил бўладиган юкдан сақланингиз. Зеро, бу оламда унинг оғирлигини кўтариб юришдек мушкул юмуш йўқдир».

Tadbirkorga tayanchmiz

Тарозига қараб тош қўйган яхши

Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида вилоят адлия бошқармасига фуқаролардан инсон ҳуқуқларининг бузилишига оид 163 та ариза ва шикоятлар келиб тушди. Уларнинг 40 таси қаноатлантирилди. 49 та ариза эгаларига тушунтириш берилди. 34 та ариза асоссиз деб топилди. 35 та ариза ва шикоятлар ўз йўналишига кўра идора ва ташкилотларга юборилди.



Инсон боласи ҳамиша адолат тарафида туради. Ноҳақликка, зўравонликка чидам бермайди. Афсуски, қонунларни билмаслик оқибатида тўрачилик иллати илдиз отади. Оқибатли фуқаро адолат излаб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш, поймол этилган ҳақ-ҳуқуқларини инсоф тарозисига қўйиб, ҳимоя этишга киришади.

Бандихон туман марказий шифохонасида бош ҳисобчи бўлиб ишлаган Маматғани Сатторов 2007 йил 18 январь куни туман шифохонаси бошлиғининг 7-сон буйруғига кўра ўз вазифасидан бўшатилди. Ўзининг тинч жойидан ҳеч йўқ, бе йўқ, бўшатилса алам қиларкан. Маматғани ака қоидабузарлик содир этилмаганлигини шифохона бошлиғига бир неча бор тушунтиришга ҳаракат қилди. Аммо унинг барча уринишлари зое кетганлиги сабабли, вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат этиб, ўз ҳуқуқини тиклаб беришда амалий кўмак сўрашга мажбур бўлди.

Адлия бошқармаси ходимларининг ушбу ариза бўйича ўтказган текширувида Бандихон туман марказий шифохонасида ушбу фуқарога нисбатан қонунбузилишга йўл қўйилганлиги аниқланди. Адлия бошқармаси томонидан М.Сатторовни ишга тиклаш ҳақида 2007 йил 19 февраль куни Бандихон туман марказий шифохонаси бош ҳаками номига тақдимнома киритилди. Ушбу тақдимномага кўра туман марказий шифохонасининг 2007 йил 18 январдаги 7-сонли буйруғи бекор қилиниб, М.Сатторов шифохонанинг 2007 йил 21 февраль кунидаги 15-сонли буйруғи билан ўз ишига тикланди. Ушбу қонунбузарлик ҳолатини содир этган шифохонанинг кадрлар бўлими бошлиғи М.Холмўминовга «Ҳайфсан» интизомий жазоси берилди.

Шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида адлия бошқармаси томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир фуқаролик судларига 22 та даъво аризаси киритилган эди. Ушбу даъво аризаларнинг 15 таси иш ҳақини ундириш, 2 та нафақа пулини ундириб бериш, 5 таси туман ҳокими қарорларини бекор қилиш ҳақидаги даъво аризалари судларга киритилди ва кўпчилик даъво аризалари судлар томонидан қаноатлантирилди.

Денов туманидаги «Шоҳруҳ-Мусурмонқул» шўъба корхонасининг 13 нафар ишчи-ходимлари 3.255.000 сўмлик иш ҳақини ўз вақтида ололмаётганлигидан норози бўлиб, бошқармага ариза билан мурожаат қилишганди. Корхона ишчиларининг ҳақли талаблари асосида фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро суди даъво ариза киритилди.Суд ушбу қонунбузилиш ҳолатларини атрофлича муҳокама этиб шўъба корхонанинг 13 нафар ходимларига 3.255.000 сўм миқдордаги иш ҳақини ундириб бериш тўғрисида ўзининг ҳал қилув қарорини чиқарди.

«Ж.Пирназаров» ширкат хўжалигида ишлаган фуқаро Чори Самадов оила аъзолари билан ушбу хўжаликда меҳнат қилган давридаги иш ҳақини ололмай юрганликлари тўғрисида бошқармага ариза билан мурожаат қилишган. Фуқаронинг мурожаати ўрганилиб, Ч.Самадов ва оила аъзоларининг 1.344.530 сўм миқдоридаги иш ҳақини ундириб бериш тўғрисида Узун туман ҳокимлиги номига талабнома киритилган эди. Ж.Пирназаров номли ширкат хўжалиги қайта ташкил этиш комиссияси ҳисобидан фуқаро Ч.Самадов бошлиқ оила аъзоларининг 1.344.530 сўмлик иш ҳақи ундириб берилди.

Ҳар бир ариза ортида инсон тақдири ётади. Фуқаролардан тушган ариза шикоятларни ўз вақтида ўрганиб, тегишли чоралар кўриш ваколатли раҳбарнинг масъулиятли вазифасига киради. Лекин айрим ҳолатларда аризаларга бефарқлик билан қараш, уларни белгиланган муддатда ўрганиб, тегишли чоралар кўрмаслик каби қонунбузилишлар ҳам учраб туради. Масалан, Шеробод туманида истиқомат қилувчи С.Абзоиров уйжой қуриш учун ер ажратиш тўғрисида ёзган аризаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 2 март куни назоратга олинган. С.Абзоировнинг аризаси Шеробод туман «Сеғлон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ш.Жўраевга берилган. Маҳалла раиси ариза бўйича текшириш ўтказган бўлса-да, ариза муаллифига бу ҳақда жавоб бермаганлиги аниқланди. Ушбу қонунбузилиш ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасига асосан маъмурий баённома тузилиб, жиноят ишлари бўйича Шеробод туман судига мазмунан кўриб чиқиш учун юборилди. Маъмурий иш суд томонидан кўрилиб, айбдор шахслар жарима жазосига тортилди.

Ҳа, адолатнинг йўли баъзан узун, баъзан қисқа бўлиши мумкин. Аммо ҳар қандай ҳолатда қонун устуворлигига эришиш бугунги куннинг энг муҳим, долзарб вазифаларидан эканлигини барчамиз унутмаслигимиз лозим.

Аҳмад МУРОДОВ,
Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси ходими
Собир ЁДИКОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида

МАЪЛУМОТ

(2007 йил 14 июлдан 27 июль ҳолатига)

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. "Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 9 июндаги 17/2-сонли қарори.*

2007 йил 18 июлда 1697-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 28 июлдан кучга киради).

2. "Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2007 йил 15 июндаги 65-сонли буйруғи.*

2007 йил 18 июлда 977-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 28 июлдан кучга киради).

3. "Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 3 июлдаги 70, 2007-41-сонли қарори.*

2007 йил 18 июлда 1667-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 28 июлдан кучга киради).

4. Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 3 июлдаги 71, 2007-42-сонли қарори.*

2007 йил 18 июлда 1109-8-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 28 июлдан кучга киради).

5. "Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни ички ишлар идораларига тақдим этиш ва ягона марказлашган ҳисобини тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Бош прокуратураси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 8 июндаги 12, УМ-72, 92, 68, 01-02/12-15, 2007-45-сонли қарори.*

2007 йил 19 июлда 1698-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 29 июлдан кучга киради).

6. "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ-3889-сонли "2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида"ги *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2007 йил 19 июлдаги М-37, 74-сонли қарори.*

2007 йил 23 июлда 1699-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 2 августдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Юридик ва жисмоний шахсларга нон ва нон маҳсулотларини пишириш учун рухсатнома бериш тартиби. "Ўздонмаҳсулот" ДАК томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 192, 22.11.1995 й).

Адлия вазирининг 2007 йил 18 июлдаги 132-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди. Буйруқ 2007 йил 18 июлдаги 192-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 28 июлдан кучга киради).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 октябрдаги ПФ-3808-сонли "2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1632, 27.10.2006 й).

Адлия вазирининг 2007 йил 23 июлдаги 137-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти жамоаси Департаментнинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи Исметуллаев Медетбай Торебаевичга онаси

АМАНГУЛ аянинг

вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.

"Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси таҳририяти жамоаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи Исметуллаев Медетбай Торебаевичга онаси

АМАНГУЛ аянинг

вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуллаев Ихтиёр Бахтиёрович, Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович, Рахмонов Абдукамол Шодиевич, Махмудов Лазизжон Мирзаевич, Содиқов Хуршид Махмасиддиқович, Мустафаев Бўритош Мустафаевич, Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Шукур СОДИҚОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Буюртма Г-615. Тиражи — 8120. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 18.00 [t] — тижорат мақола.

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

2 3 4 5